



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ОРҚАЛИ БАНК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Курбонов Илҳом Жумакулович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчisi
Тошкент, Ўзбекистон. email: ilkhomk79@mail.ru

ENSURING THE EFFICIENCY OF BANKING ACTIVITIES THROUGH RISKS REDUCTION IN COMMERCIAL BANKS: THEORY AND PRACTICE

Kurbanov Ilhom Jumakulovich

Independent Researcher, Tashkent State University of Economics
Tashkent, Uzbekistan. ilkhomk79@mail.ru

JEL classification: G21, G24, G33.

Аннотация. Мазкур мақолада тиҷорат банкларида рисклар, уларнинг келиб чиқши сабаблари ва моҳияти ҳамда салбий оқибатлари бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикрлари ўрганилган, таҳлил қилингандан ва муаллифлик хуносаси шакллантирилган. Банкларда рискларни камайтиришида диверсификациянинг аҳамияти, уни ўтказиш зарурлиги илмий асосланган, кредит рискларини самарасиз бошқарилиши оқибатида муаммоли кредитларнинг юзага келиши саббалри очиқланган.

Шунингдек, 2020-2024 йилларда мамлакатимиз банк тизими активларининг таркибида кредитларнинг улуши, унинг салбий жиҳатлари ёритилган, банк тизими кредит портфелининг таркибий жиҳатдан таҳлили амалга оширилган, муаммоли кредитларнинг динамикаси таҳлил қилинган, илмийхуоса ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Abstract. In this article, the opinions of foreign and local scientists on risks in commercial banks, their causes and nature,

and negative consequences were studied, analyzed, and the author's conclusion was formed. The importance of diversification in reducing risks in banks, the need to carry it out is scientifically based, the reasons for the emergence of problem loans due to ineffective management of credit risks have been revealed.

Also, the share of loans in the assets of the banking system of our country in 2020-2024 and its negative aspects were covered, a structural analysis of the banking system's loan portfolio was carried out, the dynamics of problem loans were analyzed, and scientific conclusions and practical recommendations were formulated.

Калим сўзлар: банк рисклари, кредит портфели, кредит риски, диверсификация, муаммоли кредитлар, захира, қониқарсиз кредитлар, шубҳали кредитлар, умидсиз кредитлар, кредит таъминоти, ресурс манбаи.

Key words: banking risks, loan portfolio, credit risk, diversification, problem loans, reserve, unsatisfactory loans, doubtful loans, bad loans, credit provision, resource source.

Кириш.

Кредит институтларининг барқарор ривожланиш масаласи, айниқса жаҳон молиявий инқизози даврида алоҳида аҳамият касб этди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида тижорат банклари, инвестицион банклар, суғурта компаниялари ва бошқа молиявий муассасаларнинг банкротликка учраши уларнинг инқизозли ҳолатларни баҳолаш ва уларга қарши туриш бўйича етарли қобилиятга эга эмаслигини кўрсатди.

Кредит ташкилотлари вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин бўлган турли хил риск омилларига дуч келишади. Бу омиллар иқтисодий шароитлар, ишсизлик даражаси, инфляция, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин. Ушбу риск омилларидаги ўзгаришларни моделлаштириш банкларга уларнинг кредит портфелига бўлган таъсирни баҳолаш ва рискларни камайтириш учун тегишли чораларни кўриш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида «банк сектори назоратини такомиллаштириш ва банкларда таваккалчиликларни бошқаришнинг замонавий тизимини татбиқ этиш, таваккалчиликларни бошқариш тизимини такомиллаштириш орқали кредитлар ажратиш жараёнларини соддалаштириш» каби вазифалар белгилаб берилган [1].

Адабиётлар шархи. Кредит институтларида рискларни бошқаришнинг самарали механизмини яратиш ва фаолиятини мувофиқлаштириш доимо энг муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Мазкур соҳага оид қатор илмий ишлар қилинган, тадқиқотлар олиб борилган ва тегишли ўкув-услубий ишлар ишлаб чиқилган.

Риск тушунчасига турли вақтларда ҳар хил таърифлар берилган. Баъзи таърифлар рискка маълум бир воқеанинг

эҳтимолий юз бериши, бошқа таърифлар кутилаётган натижаларнинг ноаниқлиги, ижобий ёки салбий бўлиши, бошқалари эса миқдорини аниқлаш мумкин бўлган ноаниқликлар тўплами сифатида қарайдилар.

Хорижлик иқтисодчи-олимлар Michel Crouhy, Dan Galai ва Robert Mark ўз илмий тадқиқотларида молия институтларда кредит, бозор, операцион ва ликвидлилик рискларини аниқлаш ва бошқариш усуллари, Basel II/III стандартлари кенг ёритилган. Халқаро банк амалиётида кенг қўлланиладиган тавсиялар ва инструментлар тақдим этилган [2].

René M. Stulz томонидан олиб борилган илмий тадқиқотда риск бошқаруви (risk management) қай тарзда самарасиз бўлиши мумкинлигини таҳлил қиласди. Унга кўра, риск бошқаруви тизимлари қархисидаги чекловлар (инсон омили, нотўғри мотивациялар, маълумот етишмаслиги), касбий ва корпоратив маданиятнинг роли асосий омиллар эканлиги келтирилади. Муаллиф молиявий институтларда риск бошқаруви фақат моделларга эмас, балки ташкилотнинг рискка муносабатига ва қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эканини таъкидлайди [3].

Philippe Jorion эса бозор рискларини баҳолашда Value-at-Risk (VaR) концепциясини амалий ва назарий жиҳатдан тушунтиради. Шунингдек, RiskMetrics ва Basel II стандартига мослашган моделлардан фойдаланишни тавсия қиласди [4].

Aswath Damodaran ўзининг илмий тадқиқотларида рискни нафақат хавф сифатида, балки имконият сифатида хам кўради. У корпоратив ва банк рискларини стратегик бошқаришни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қиласди. Риск бошқарувида қарор қабул қилиш, рискни



оптимизация қилиш назарияларини тақдим этади [5].

Anthony Saundersнинг риска бағишиланган китобларида кредит рискларини баҳолашнинг янги усуллари,

В.Смирнов ва В.Поповлар молиявий ташкилотларда рискларни бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини очиб беради, банклар, сұғурта компаниялари ва инвестиция ташкилотлари учун мураккаб риск бошқариш тизимларини тушунтиришади [7].

С.Шмидт эса рискни баҳолаш ва бошқаришнинг түрли хил усуллари, жумладан, Value at Risk (VaR) ва стресс-тестлар сингари техникаларни тушунтириб беради. У банкларда умумий рискларни тизимли бошқаришнинг мұхымлигини таъкидлайды. Рискларнинг комплекс бошқарилишига асосланган назарий ёндашувни таклиф қиласы.

Маҳаллий олим профессор Ф.Холмаматовнинг илмий ишларида кредит рискини олдини олишда кредит портфели диверсификация даражасини ошириш таклиф этилган. Унга кўра, кредит портфелини мижозлар кесимида, кредит валюталари кесимида, тармоқлар кесимида, ҳудудлар кесимида асосланган диверсификацияни олиб бориш орқали активлар сифатини ошириш мүмкінлиги қайд этилган [9].

Ш.Норматов банкларда кредит, ликвидлик, операциявий ва бозор рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий усулларини тадқиқ қиласы. У рискинг моделларининг самарадорлигини баҳолашга ва Ўзбекистон банкларида уларни қўллашга оид таклифлар билдирган [10].

Н.Хидировнинг илмий ишларида молия ва рискларнинг назарий ва амалий масалалари кенг қамраб олинган. Муаллиф риск тушунчаси, унинг иқтисодий моҳияти, турлари ва уларни

жумладан, Value-at-Risk (VaR) ва CreditMetrics, KMV модели тушунтирилган. Халқаро банкларда рискларни ҳисоблаш бўйича амалий усулларни тушунтириб беради [6]. баҳолаш усулларини таҳлил қиласы. Шунингдек, рискларни бошқариш стратегиялари ва уларнинг молиявий қарорларга таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган [11].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хуласа қилиш мумкин:

Банк рисклари – бу банкларнинг фаолиятида мавжуд бўлган, актив ва пассив операцияларида юзага келадиган йўқотиш хавфи ва шу билан бирга ноаниқлик шароитида ижобий натижа олиш мумкин бўлган имкониятдир.

Натижалар.


Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан сўнг ўтган вақт мобайнида банк соҳаси ривожланиши учун катта имкониятлар яратилди. Тижорат банкларининг фаолияти ушбу қисқа даврда кутилгандан ҳам унумлироқ тарзда такомиллашди. Тижорат банкларнинг такомиллашишига сабаб, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалигидаги иштироки салмоғи ошиб, халқаро иқтисодий муносабатлар кўлами кенгайиб бораётганидадир. Бу борада банкларнинг ўрни барчага маълум. Шу сабабли ҳозирги кунда банклар фаолиятида рискларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда камайтириш усулларини қўллаш тижорат банкларнинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Рискларни бошқаришни ташкил қилиш самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг таснифланишига боғлиқ. Рискларнинг таснифланиши дейилганда рискларни аник бир гурухларга қўйилган мақсадларга эришиш учун маълум бир белгилар орқали бўлиниши тушунилади.

Рискларнинг илмий асосланган таснифланиши уларнинг умумий тизимида ҳар бир рискнинг ўрнини аниқ ифодалашни кўрсатади. Рискларни таснифлаш уларни бошқариш бўйича тегишли усууллар ва чоралар қўлланилиши имкониятини яратади. Замонавий иқтисодий адабиётларда банк рискларини таҳлил мақсадлари ва бошқариш бўйича бир неча таснифланишлари мавжуд.

далолат беради. Кредит операцияларини олиб боришда йул қўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда эса, синиб кетишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг кредит сиёсатига, уларнинг кредит портфели ва унинг сифатига, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади. Чунки кредит портфелининг тўғри ташкил қилиниши банкларнинг самарали фаолият юритаётганидан



1-расм. Мамлакатимиз банк тизими активлари таркибида кредитларнинг улуши, фоизда

Мамлакатимиз банк тизими активларини таҳлил қиласиган бўлсак, жами активлар таркибида кредитларнинг улуши ниҳоятда юқори эканлигини кўришимиз мумкин. 2020-2025 йилларда уларнинг улуши 73,1 фоиздан 66,9 фоизга пасайган бўлсада, юқорилигicha сақланиб қолмоқда. Банк активлари таркибида кредитларнинг улушкини юқори бўлиши банкларда кредит рискини келтириб чиқаради. Агарда банк кредитлари сифати пасайиши кузатилса, бу банкларда ёмон

ва тузатиб бўлмасоқибатларга олиб келиши мумкин.

Тижорат банклари фаолиятининг ноликвидлиги уларнинг тўловга лаёқатлилигини қийинлаштиради ва банкларнинг узоқ муддатли кредитлар бериш имкониятини пасайтиради. Бу уз навбатида, хўжалик ташкилотларининг фаолиятини мураккаблаштиради ва ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетишига олиб келади. Иқтисодий бекарорлик шароитида банклар жуда юқори риск билан ишлайдилар. Масалан: муаммоли

кредитларнинг юзага келиши, мижозлар молиявий ахволининг ёмонлиги, уларнинг тўловга лаёқатсизлиги, кредитлар бўйича ишончли таъминотнинг мавжуд эмаслиги, банк рискларини ўз вақтида англаб, чоралар кўриш борасида банк раҳбари ва кредит бўлими ходимларининг етарли даражада эътиборли ҳамда тезкор эмасликлари ва бошқалар кўпгина банкларнинг синиб кетишига олиб келиши мумкин.

Шу сабабли, тижорат банклари кредит портфелини бошқаришнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат бўлиши, банк фаолиятида юзага келувчи рискларни бошқаришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Булар:

- кредит таваккалчилиги даражасига таъсир қўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш;
- ссудаларни риск гурӯхлари бўйича таснифлаш;
- кредит портфелини кредит рисклари, мижозлар таркиби ва ссудалар таркиби бўйича маъқуллаштириш (оптималлаштириш);
- кредит рискларини прогноз қилиш мақсадида қарз олувчининг кредитга

лаёқатлилик даражасини ва унинг молиявий ахволи, ўзгариши эҳтимолини аниқлаш;

- муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш;

- яратилаётган захиранинг етарлилигини баҳолаш ва уни уз вақтида таъминлаб бориш;

- кредит қўйилмаларини диверсификация қилиш, уларнинг ликвидлигини ва даромадлиигини таъминлаш;

- банкнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни кредит портфелининг сифатли таҳлилига асосланган холда юритищдан иборат.

Кредит портфелини диверсификациялашнинг аҳамияти нимадан иборат, деган табиий савол туғилади.

Диверсификация сўзи бизнинг амалиётимизда шу яқин орадан бўён қўлланила бошлаган замонавий ибора бўлгани учун биз унинг моҳиятини чукурроқ билишимиз керак. Зоро бу сўзнинг моҳиятини тўғри тушуниш, уни амалиётда қўллай олиш хар бир ҳуқуқий шахс фаолиятининг самарадорлигини ошириши мумкин.

1-жадвал.

Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича диверсификация даражаси, фоизда

Кўрсаткичлар номи	01.01.2024 й.		01.01.2025 й.		Ўзгариши, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Жами кредитлар	471 406	100%	533 121	100%	13%
Саноат	140 152	30%	153 389	29%	9%
Қишлоқ хўжалиги	47 255	10%	50 303	9%	6%
Қурилиш соҳаси	12 275	3%	12 960	2%	6%
Савдо ва умумий хизмат	32 516	7%	38 130	7%	17%
Транспорт ва коммуникация	34 342	7%	32 808	6%	-4%
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	4 067	0,9%	4 213	0,8%	4%

Уй-жой коммунал хизмати	2 345	0,5%	2 324	0,4%	-1%
Жисмоний шахслар	148 621	32%	177 532	33%	19%
Бошқа соҳалар	49 833	11%	61 463	12%	23%

Ушбу жадвалда мамлакат банк тизими кредит қўйилмаларини тармоқлар бўйича улуши таҳлили келтирилган бўлиб, охирги йилларда жами кредитлар 13 фоизга ўсиб, 2025 йил бошига 533,1 трлн сўмни ташкил этмоқда. Жами кредитлар таркибида асосан 2 та тармоқ мутлақ етакчилик қўймоқда. Булардан биринчи саноат тармоғи бўлиб, унинг миқдори 2024 йил бошига 140,2 трлн сўм ёки улуши 30 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йил холатига 153,4 трлн сўм ёки 29 фоизни ташкил этмоқда.

Кейинги тармоқ бу жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар бўлиб, 2024 йилда унинг миқдори 148,6 трлн сўм ёик жамига нисбатан 32 фоиз, 2025 йилга келиб эса 177,5 ёки 33 фоизни ташкил этмоқда. Бошқа бирорта соҳанинг улуши ҳаттоқи 10 фоизга ҳам етмаган. Ҳаттоқи айrim соҳаларда (транспорт ва коммуникация соҳасида -4 фоиз, уй-жой коммунал хизматида – 1 фоиз) пасайиш кузатилган.

Хулоса қилишимиз мумкинки, мамлакат банк тизими кредит портфели диверсификация даражаси анча пасат ва асосан 2 та соҳага боғлиқ бўлиб қолганлиги сабабли, банк тизимида кредит риски, ликвидлилик риски даражаси юқори.

Банкнинг кредит портфелини диверсификация қилиш йули билан кредит портфелини бошқариш банкнинг стратегик режалаштириш жараёни билан узлуксиз боғлиқ. Диверсификациянинг муҳим хусусиятлари шундаки:

Биринчидан, диверсификация ҳамма вакт рискни ёқтиримайдиган банкларга кулайдир, чунки у рискни камайтиради;

Иккинчидан, турли хил кредит бўйича фойда ҳаракати қанча кам мос келса, рискни камайтириш ҳисобига диверсификациядан шунча кўп наф кўриш мумкин.

Диверсификацияланган портфел – бу риск жиҳатидан бир-бирига боғлиқ бўлмаган кичик кредитлар тўпламини ўзида мужассамлаштиради.

Агар кредит портфели бир-бири билан алоқадор бўлмаган бир нечта соҳага йўналтирилган турли хил кредитлардан ташкил топган бўлса, бу портфелни яхши диверсификацияланган портфел дейишимиз мумкин. Демак, диверсификация талаб даражасида бўлиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:


- портфель кўп сонли, нисбатан майда кредитлардан ташкил топиши;
- кредитлар риск жиҳатидан бир-бирига боғлиқ бўлмаслиги зарур.

Халқаро банк амалиёти шуни кўрсатадики, ўтган асрнинг 80 – йилларида кўпгина хорижий банклар ўз кредитларининг асосий қисмини нефть саноатини кредитлашга йўналтирганлар. Шу йилларда нефть баҳосининг тушиб кетиши натижасида кўпчилик нефть компанияларининг ўз кредитларини тўлай олмаганлиги банкларни банкротликка олиб келган. Кредит портфелини диверсификация қилиб борган банклар эса нефтни кредитлаш бўйича кўрган

заарларини бошқа соҳадан олган фойдаси ҳисобидан қоплашган.

Бундан, шундай хуносага келиш мумкинки, кредит портфелини диверсификациялаш орқали банкнинг баъзи бир мижозларидан кўрган заарларини бошқа мижозлар даромади ҳисобидан қоплаш мумкин экан, у холда, диверсификация сиёсатининг кўлланилмаслиги муаммоли кредитларнинг муаммоли банкларга айланishiiga олиб келиши мумкин.

” тушунчаси “кредит рисклари” категорияси билан бевосита боғлиқdir.



2-расм. Мамлакатимиз банк тизимида муаммоли кредитлар (NPL) улуши бўйича маълумот, фоизда

2021-2025 филларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимида муаммоли кредитлар улуши ошганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2020 йилда муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 2,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб 2 бараварга ошган ва 4,0 фоизни ташкил этмоқда. Айниқса, 2022 йилда 5,2 фоизга етганлиги кредит рискларини бошқаришда муаммолар борлигидан далолат беради. Кейинги йилларда бироз пасайиш кузатилган бўлсада, аммо халқаро тавсия этилган нормадан (3 фоиз атрофида

муаммоли кредит деганда, “субстандарт”, “шубҳали” ва “умидсиз” кредитлар сифатида таснифланган кредитлар тушунилади. Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, муаммоли кредитлар кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижасидир, яъни кредит рискларини тўғри бошқара олмаслик оқибати бўлиб ҳисобланади. Демак, “муаммоли кредит

бўлиши тавсия этилади) баланд ҳисобланади.

Бошқа банкларда муаммоли кредитларнинг улуши паст эканлигини кўриш мумкин, аммо 2025 йилга келиб уларнинг улуши 4,1 фоизга етган. Бунинг асосий сабаби сифатида давлат улуши мавжуд бўлган Ипотека-банк АТИБни хусусийлаштирилши ҳисобланади. хусусан, 2025 йил 1 январь ҳолатига мазкур банкнинг муаммоли кредитлари миқдори 3,6 трлн сўмни ёки жами кредитлардаги улуши эса 10,2 фоизни ташкил этган. Бу мамлакат банк

тизимидағи әнг йирик күрсаткич ҳисобланади.

Муаммоли кредитлар улушыда давлат улуси мавжуд тижорат банкларининг салмоғи катта бўлиб, агарда уларнинг йирик банклар эканлиги инобатга олинса, вазият янада жиддийлигидан далолат беради.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, давлат улуси мавжуд тижорат банкларини имкон қадар тезроқ хусусийлаштириш, асосан чет эллик инвесторларга сотиш лозимлигини тавсия қилиш мумкин.

Муаммоли кредитлар билан ишлаш фаолиятини тизимли равища олиб бориши мақсадида муаммоли кредитларни таснифлашни қўйидаги асосий йўналишлари асосида олиб бориши мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисобланади.

- муддати бўйича;
- сифати бўйича;
- таъминоти бўйича;
- ресурс манбаи бўйича;
- кредитни бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилувчи субъекти бўйича.

Муаммоли кредитларни юқоридаги йўналишлари бўйича таснифлаш уларни бартараф этиш учун бажарилиши керак бўлган ишларни тўғри ва самарали режалаштиришга ёрдам беради. Шу билан бир қаторда, кредитни қутқариш бўйича чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижасини бермаса, кредит бўйича ундирувни нимага қаратиш лозимлигини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Марказий банк томонидан пруденциал назорат чоралари доирасида банк тизими кредит портфели сифатини яхшилаш ва улардаги муаммоли кредитлар салмоғини пасайтириш, аҳолининг қарз юки даражасини инобатга

олган ҳолда хизматлар таклиф этиш, йирик қарздорларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиб бориши орқали улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган кредит хатарларини олдини олиш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2023 йил давомида муаммоли кредитларнинг банк тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсиrlарини олдини олиш ва уларнинг салмоғини камайтириш мақсадида банкларнинг кредит портфеллари мунтазам равища банклар, худудлар кесимида, сегментларга ажратилган ҳолда таҳлил қилиб борилди.

Олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, қўйидаги хулосаларни шакллантиридик:

1. NPL ёки муаммоли кредитларнинг юқори даражаси. Ўзбекистондаги аксарият банклар муаммоли кредитлар муаммосига дуч келмоқдалар, бу эса тўловлар ҳажмининг ошишига ва умуман банк тизими фойдасининг камайишига олиб келади. Бу рискларни бошқариш тизимининг самарасизлиги ва кредит мониторингини кучайтириш зарурлигидан далолат беради.

2. Алоҳида қарз олувчиларнинг кредит портфелида юқори улушга эгалиги. Банкларнинг кредит ресурсларининг катта қисми иқтисодиётнинг нефт-газ саноати, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги каби айрим тармоқларида жамланган. Бу банкларнинг рискларини оширади, чунки тармоқлар турли омиллар, жумладан, бозор шароитлари ёки ташки зарбаларга дучор бўлиши мумкин.

3. Кредит портфелининг диверсификация даражасининг пастлиги.



Ўзбекистондаги аксарият банкларнинг кредит портфели чекланган диверсификацияга эга. Улар кўпинча фақат маълум тармоқлар ёки мижозлар гурухларига кредит берадилар. Бу тизимли рискни юзага келтиради, чунки ушбу тармоқлар ёки мижозлар гурухларидағи ўзгаришлар банкларнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Умуман олганда, мамлакат банкларида рискларни юқори деб ҳисоблаш мумкин ва бу рискларни минималлаштириш учун барча манфаатдор томонлар, жумладан, банклар, тартиба солувчи органлар ва бозорнинг бошқа иштирокчиларининг комплекс ёндашуви ва ҳамкорлигини тақозо этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон.
2. Crouhy, Michel, Dan Galai, and Robert Mark. *The Essentials of Risk Management*. New York: McGraw-Hill, 2006.
3. Stulz, R. M. (2008). Risk management failures: What are they and when do they happen? *Journal of Applied Corporate Finance*, 20(4), 39–48. <https://doi.org/10.1111/j.1745-6622.2008.00205.x>.
4. Jorion, P. (2006). *Value at Risk: The New Benchmark for Managing Financial Risk* (3rd ed.). McGraw-Hill.
5. Damodaran, A. (2007). *Strategic Risk Taking: A Framework for Risk Management*. Pearson Education.
6. Saunders, A., & Allen, L. (2002). *Credit Risk Measurement: New Approaches to Value at Risk and Other Paradigms*. Wiley.
7. Смирнов, В. И., & Попов, В. А. (2010). Основы теории и практики управления рисками в финансовых учреждениях. ЮНИТИ-ДАНА..
8. Гришин, Ю. (2009). Риск-менеджмент в банковской деятельности. КНОРУС.
9. Xolmamatov, F. (2023). Bank tizimi barqarorligini oshirishda kredit risklarining ahamiyati va ularni kamaytirish yo‘llari. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 1 (9). Б. 440-445.
10. Норматов, Ш. (2014). Банкларда рискларни бошқариш ва прогнозлаш усуллари. Тошкент давлат иқтисодиёт университети. ISBN: 978-9943-21-624-0.
11. Хидиров, Н. Ф. (2022). Молия ва рисклар. Тошкент: Nihol Print.
12. <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/2122823/>